



**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича
2023 йилда амалга ошириладиган
НАЗОРАТ РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
I. Миллий антидопинг агентлиги асосий фаолият йўналишларини белгилаш				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ҳимоя қилиш	2023 йил 18 – 31 январь	А.Садиков А.Алимов	Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этишнинг қонуний асослари мустаҳкамланади
2.	Антидопинг назоратининг самарали тизимини, спортда таъқиқланган дори воситалари ва бошқа моддалар қўлланишини назорат қилиш дастурлари ва услублари, шунингдек, спортчилар ва спорт ташкилотлари учун интизомий регламентни ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Йил давомида	А.Садиков Ф.Абдурашидова	Фармакологик таъсирга эга тақиқланган дори препаратлари ва бошқа моддалар тўғрисидаги маълумотлар базасининг доимий янгиланиб борилади; спортда допинг қўлланишининг олдини олиш ва допингга қарши курашиш борасида халқаро кооперацияни ва ҳамкорликни амалга оширади.
3.	Допинг-тестлар ва допинг назоратининг бошқа элементларини ташкил этиш, Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг республика спортчилари ҳақида маълумотларни тўплаш ва сақлаш учун мўлжалланган антидопинг маъмуриятчилиги ва менежменти (ADAMS тизими) бўйича онлайн тизимини қўллаш;	Йил давомида	Ж.Рахмонбердиев	ADAMS -маълумотларни тўплаш ва сақлаш учун мўлжалланган антидопинг маъмуриятчилиги ва менежменти онлайн тизимини қўллаш орқали Республика спортчиларини назоратини ва


№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
доимий бошқарувини таъминлайди				
II. Миллий антидопинг агентлиги ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ечим топишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар				
4.	<p>Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини янада кучайтириш ва иш услубини такомиллаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш.</p> <p>Мақсадли кўрсаткичларга эришиш ва бу борада самарали иш тизимини йўлга қўйиш бўйича Агентликнинг амалдаги структура ва Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда лавозим йўриқномалари ва вазифалар тақсимотини пухта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.</p>	2023 йил февраль	Н.Эшқувватов	Миллий антидопинг агентлиги фаолияти бўйича ҳужжатлар мослаштирилади
5.	<p>Миллий антидопинг агентлиги оид норматив ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш Бутунжаҳон антидопинг кодексига ҳамоҳанг бўлган миллий антидопинг қоидаларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш.</p>	2023 йил май	А.Алимов	Миллий антидопинг қонунчилиги асосида агентлик ва спорт ташкилотлари фаолияти бўйича соҳага оид меъёрий ҳужжатлар тизимлаштирилади
6.	<p>Миллий антидопинг агентлиги фаолиятининг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш юзасидан Ҳукуматга пухта ишланган таклифларни киритиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>Агентликка биологик намуналарни тўплаш учун махсус мосламалар ва бошқа товарларни қисқа муддатларда харид қилиш учун истисно тариқасида тўғридан-тўғри импорт шартномалар тузиш ҳуқуқини бериш;</p> <p>допинг-тестларини ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш шартномаларини тендер савдолари ўтказмасдан тузиш;</p>	2023 йил июль	А.Садиков, М.Мирдадаев	<p>Спортчиларнинг биологик намуналарини тўплаш учун хориждан олиб келинадиган махсус мослама ва товарларни харид қилиш ишларини қисқа муддатларда амалга ошириш;</p> <p>допинг-тестлар ўтказиш ишларини WADA томонидан аккредитациядан ўтказилган нуфузли лабораториялар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш</p>
7.	<p>Агентлик тизимида кадрлар қўнимсизлигини олдини олиш ва тизимга малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида ходимларнинг амалдаги лавозим маошларини танқидий қайта кўриб чиқиш каби бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. агентлик ходимларининг</p>	2023 йил март	А.Садиков, М.Мирдадаев	Агентликда ўртача ойлик иш ҳақини ошириш орқали малакали ва соҳани мукамал билган кадрлар тизимга жалб қилинишига эришилади.


№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентларини 4 баравар миқдорда қўллаш тўғрисида таклиф этилмоқда.</p> <p>Агентлик ходимларига 2023 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама тўланади</p>			
III. Миллий антидопинг агентлигида коррупцияни олдини олиш, унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш				
8.	<p>Миллий антидопинг агентлигида коррупцияга йўл қўймаслик, коррупцияни олдини олиш, агентликда мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупция омилларини бартараф этиш</p>	2023 йил давомида	Н.Эшқувватов, А.Алимов	<p>Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, агентлик ходимларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан: мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида тадбирлар ўтказилади</p>
9.	<p>Ходимларни ишга қабул қилишда, ходим билан меҳнат шартномасига қўшимча келишув га асосан, коррупция қарши кураш, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, ва коррупциянинг бошқа йўналишлари бўйича бандлар киритилади</p>	2023 йил январь	Г.Мирсалимова, А.Алимов	<p>Ходимлар билан меҳнат шартномасига қўшимча келишувга асосан, порахўрлик ва товламачиликни олдини олиш, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини олини олиш тизими самарали ташкил</p>


№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
				этилиш таъминланади
IV. Антидопинг соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, антидопинг соҳасини рақамлаштириш орқали тизимда допинг қоидабузарликни камайтиришни таъмицлаш				
10.	<p>Соҳани рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган йўналишларни кесимида ягона ахборот тизимини ишга тушириш. Жумладан:</p> <p>Допинг тестини ўтказиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича спортчиларнинг электрон “биологик паспорти” (ABP) тизимини жорий қилиш.</p> <p>Спортчилар учун Антидопинг таълим электрон платформаси яратилади;</p> <p>Бутунжахон допингга қарши агентлиги томонидан тавсия қилинган спортда таъқиқланган моддалар ва бошқа услублар бўйича йиллик рўйхат ишлаб чиқиш ва “Спортда таъқиқланган моддаларни текшириш миллий платформаси”ни жорий қилиш.</p> <p>“Спортда таъқиқланган моддаларни текшириш миллий платформасини” босқичма-босқич жорий этиш ва ахборот тизимларини тўлиқ ишга тушириш;</p>	2023 йил июль–декабрь	<p>А.Садиков</p> <p>Ж.Рахмонбердиев</p>	<p>Спортчилар ўртасида антидопинг қарши курашиш жараёнлари кучайтирилади ва шаффофлик ҳамда тезкорлик таъминланиб, ягона электрон тизим йўлга қўйилади</p> <p>Бутунжахон допингга қарши агентлигини регламенти асосида допинг текширувларини мукамал режалаштириш тизими жорий этилади</p>
11.	<p>Спортчиларда допинг ва допинг оқибатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши учун 12 соатлик таълим электрон платформасини яратиш ҳамда ўқув курслари якунида махсус тестларни ўтказиш якуни бўйича онлайн QR кодли сертификатлашни йўлга қўйиш.</p>	2023 йил давомида	<p>А.Садиков,</p> <p>А.Мансурова</p>	<p>Жойларда спортчи ва мутахассисларнинг допингга қарши қоидалар бўйича билим савияси оширилади.</p> <p>Таъқиқланган моддалар ҳақида маълумотга эга бўлиши ва допингни олдини олиш, тренер ва тиббиёт ходимларини билимини ошириш бўйича дастур ва мобил илова яратилади.</p>
12.	<p>Допинг қўлланишининг олдини олиш ва антидопинг қоидаларини ўргатиш ва допинг назоратини амалга ошириш борасида тренер ва тиббиёт ходимларига онлайн ва офлайн тарзда малака ошириш курсларини ташкил қилиш.</p>	2023 йил давомида	<p>А.Садиков,</p> <p>Н.Эшқувватов</p>	<p>Мутахассислар учун малака ошириш курсларини ташкил қилиниши билан, мураббий ва тиббиёт ходимларини билими оширилади.</p>


№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
13.	Спортчи ва мураббийларни допингга қарши курашиш ва допинг профилактикаси бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида 2023 йилги календарь режаси асосида таълим тадбирларни ўтказиш.	2023 йил давомида	А.Садиков, Н.Эшқувватов	Спорт турлари бўйича федерация ва ассоциациялари ҳамда спорт ташкилотларидаги спортчи ва мураббийлар қамраб олинади
14.	Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг “ADeL” электрон ўқув платформаси асосида ўзбек тилида антидопинг қоидалари бўйича ўқув дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;	2023 йил давомида	А.Садиков, Н.Эшқувватов	Ушбу тизим билан ўзбек тилида антидопинг электрон ўқув дастурлари орқали тизимга киритилаётган янгилик ва қўшимчалар ҳақида мутахассисларга етказилади
15.	Спорт ташкилотларида “Антидопинг қоидалари ва профилактикаси” бурчагини яратиш ҳамда барча спорт федерацияларида (ассоциация) допинг тест олиш хонасини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш.	2023 йил давомида	Н.Эшқувватов	Республикамизни ҳудудлардаги спорт ташкилотларида “Антидопинг қоидалари ва профилактикаси” бурчагини ташкил қилиш билан, спортчиларга допинг қоидалари ҳақида кенг тушунчалар бериб борилади. Шунингдек, тарқатма материаллар ва антидопинг қоидалари бўйича барча янгиликлар киритиб борилади.
VI. Антидопинг ҳаракатида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий маҳорати ва масъулиятини ошириш				
16.	Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда янгидан ташкил этилган ташкилот тизимида малакали, ўз вазифаларини самарали ва масъулият билан бажарадиган кадрлар билан тўлдириш.	2023 йил январь	А.Садиков,	Агентликга малакали кадрлар билан таъминланади ва вазифалар ижроси самарали ташкил этилади
17.	Спортчи ва мураббийларни допингга қарши курашиш ва допинг профилактикаси бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида 2023 йилги календарь режаси асосида таълим тадбирларни ўтказиш	2023 йил давомида	А.Садиков, Н.Эшқувватов	Спорт федерациялари (ассоциациялар), ҳудудий спорт ташкилотларидаги спортчи ва мураббийлар қамраб олинади
18.	Агентлик ходимларини хорижий антидопинг агентликларида малака ошириш ва тажриба алмашилиши билан, ходимлар фаолиятини профессионал даражага	2023 йил давомида	А.Садиков, Г.Мирсалимова	Корея антидопинг агентлигида допингга қарши кураш соҳасида малака ошириш, назарий ва амалий


№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	етказиш, назарий ва амалий билимларини ошириш			билимларини кенгайтириш. Жорий йилда, Швейцария, Хиндистон, Сингапур ва Кореяда бўлиб ўтадиган WADA томонидан бўлиб ўтадиган халқаро Конференцияларда иштирок этиш.
19.	Марказий Осиё давлатлари миллий антидопинг агентликлари учун халқаро конференция ташкиллаштириш, анжуман давомида умумжамоавий допингга қарши стратегия ишлаб чиқилади	2023 йил давомида	Бўлим бошлиқлари ва маъсуллар	Конференция дастурини ишлаб чиқиш. Конференцияни ўтказиш бўйича Тошкент тиббиёт академияси ходимлари билан ишлаш. Конференцияни ўтказиш ва сертификат бериш.
VII. Қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш				
20.	Қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган норматив ҳужжатларни мувофиқлаштирилади.	2023 йил давомида	А.Садиков А.Алимов	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 январдаги ПҚ-3457-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги Қарорига ўзгартириш режалаштирилган.



Ж.Рахмонбердиев



Ф.Абдурашидова


—
Н.Эшқувватов


Х.Омонов.


М.Мирдадаев


—
А.Мансурова


—
Г.Мирсалимова